Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 26 июнь, шанба • № 74 (24.469).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадрли журналистлар!

Барчангизни касб байрамингиз билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Сизларни олдинги сафларда юрадиган, ўта сезгир, халқимизни, жамиятимизни ҳушёрликка чорлайдиган, турли хавф-хатарлардан огоҳ этадиган ва асрайдиган инсонлар сифатида биламан. Ислоҳотлар йўли, янгиланиш йўли, ўзлигимизни англаш йўлидан бориш масъулиятини юрак-юракдан ҳис этадиган ва англайдиган, мана шу йўлда мавжуд бўлган барча жумбоқ ва чигал муаммоларни ечишда жонбозлик кўрсатадиган, халқимизнинг кўзини очадиган, эл-юрт аро маърифат ва зиё тарқатадиган етук, жасур ва фидойи инсонлар сифатида биламан.

Журналистларнинг байрами умумхалқ миқёсида нишонланаётганида катта рамзий маъно бор. Миллат ва жамият келажаги ҳал бўлаётган бугунги мураккаб ва шарафли даврда буюк ватандошимиз Чўлпоннинг: «Бутун кучни халқ ичидан олайлик, қучоқ очиб халқ ичига борайлик!» деган ибораси нақадар долзарб эканини юракдан ҳис этган қалам соҳибларининг тинчликка, аҳилликка, бунёдкорликка даъват этувчи сўзлари онгли фикрлайдиган, Ватан дарди билан яшайдиган ҳар бир одамнинг қалбига йўл топади.

Халқимизнинг яратувчилик меҳнати, юртимизда кечаётган ўзгаришларнинг ҳалол ва холис ифодачиси, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлмиш матбуотимиз ва матбаачиларимизнинг жамият ҳаётида тутган ўрни янада муҳим ва салмоқли бўлишига ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ижодий ютуқлар тилайман.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

Ислом КАРИМОВ

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 июнь куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти амалдаги раисининг махсус вакили Вилгелм Хойнкни қабул қилди.

— Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлганига, мазкур ташкилотнинг минтақавий ваколатхонаси мамлакатимизда фаолият кўрсата бошлаганига етти йил бўлаяпти, — деди, жумладан, Президент Ислом Каримов. — Мазкур ташкилот билан ҳамкорлик қилиш доирасида мамлакатимизда демократия тамойилларини қарор топтириш, Европа давлатларига интеграциялашиш биз учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти ЕХҲТ фаолиятининг баъзи муҳим жиҳатларига эътибор қаратди.

— Биламизки, ташкилот аввал бошида форум сифатида ташкил этилиб, «совуқ уруш» хавфини бартараф этиш, Европада хавфсизликни таъминлаш унинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган эди, — деди Президент. — Ташкилотнинг номидан ҳам унинг қандай мақсадга хизмат қилиши лозимлигини англаса бўлади. 1992 йилда янги мустақил давлатлар, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари ҳам ушбу тузилмага кирди. Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиё давлатлари ЕХҲТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси саналади. Шундай экан, табиий бир савол туғилади: ЕХҲТ Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида шу вақтгача нима иш қилди? Ўз хавфсизлигимизни таъминлаш учун биз бу ташкилотдан қандай кўмак олдик? Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб топиш мушкул.

Мен ЕХҲТнинг кўплаб йиғинларида иштирок этганман, деди Ўзбекистон раҳбари. Шу асосда бир ҳақли эътирозни айтишим керакки, ЕХҲТ доирасида қабул қилинаётган ҳужжатларда Марказий Осиё муаммолари хаёлдан фаромуш бўлаётир. Оддий мисол, биз етти йилдан бери мазкур ташкилот аъзосимиз. Шу вақт ичида ташкилот тизимларида Марказий Осиё манфаатлари қанчалик ҳимоя қилинди? Бу саволнинг жавоби ҳам, афсуски, қувонарли эмас. Мана, Марказий Осиё давлатларига кўшни Афғонистонда хунрезликлар давом этаяпти, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси авжига чиққан, Тожикистонда эса қуролли ҳаракатлар тўхтагани йўқ. ЕХҲТ бу муаммоларни ҳал этиш борасида нима иш қилди ёки қилаяпти? Ҳолбуки, ташкилот нафақат Европанинг, балки унга аъзо барча давлатларнинг хавфсизлиги ва тараққиёти учун жон куйдириши керак.

Давлатимиз раҳбари ЕХҲТ доирасида қабул қилинаётган ҳужжатларда барча аъзо давлатлар, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари вакилларининг тўлақонли иштироки зарурлигига, уларнинг ташкилотда қандай ўрин тутаётганига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади. Эҳтимол, мазкур ташкилотда Марказий Осиё манфаатларини ҳимоя қилувчи бўлинма тузиш тўғри бўлар. Шунингдек, ЕХҲТнинг бошқарув тизимлари фақат Европа мамлакатлари вакилларидан иборат бўлиб қолаётганига ҳам жиддий эътибор бериш керак.

Ташкилот тизимларидаги бундай бирёқламалик унинг доирасида қабул қилинаётган қарорларнинг ҳар томонлама адолатли бўлишига халал беради. Масалан, Ғарб мамлакатлари мезонлари билан Шарқона ўлчовларнинг ҳамиша ҳам бир-бирига тўғри келмаслигини олайлик. Агар ташкилот фаолияти фақат Европа мезонларидан келиб чиқиб юритиладиган бўлса, бошқа минтақа мамлакатларининг манфаатларига путур етмайди, деб ким кафолат бера олади. Негаки, ҳар бир халқнинг ўз қадрияти, ҳар бир миллатнинг ўз мезонлари бор.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари, мазкур ташкилотнинг минтақамиздаги фаолияти чегараланиб қолаётганини ҳам айтиб ўтди. Ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари хавфсизлик, иқтисодиёт, экология, инсон ҳуқуқлари муаммолари саналади. Лекин ЕХҲТ раҳбарияти инсон ҳуқуқларидан бошқа йўналишларни унутиб қўйгандек. Бу борада қилинаётган ишлар ҳам аксарият ҳисоботдан иборат бўлиб қолаётгандек. Бу хусусда гап кетганда бир фикрни айтиб ўтиш керак. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қайғурилса, одамларнинг ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилинса, бу азбаройи ЕХҲТ ёки бошқа бирор ташкилотга ҳисобот бериш учун қилинмайди. Одил ва демократик жамият қуриш бизнинг бош мақсадимиз, деди мамлакатимиз раҳбари.

Вилгелм Хойнк давлатимиз раҳбари билдирган фикр-мулоҳазаларни ўз ҳисоботида тўла-тўкис баён этажагини айтди. Ўзбекистон томонидан билдирилган бундай асосли мулоҳазалар ташкилотнинг яқинда Истанбулда бўлажак саммитида атрофлича муҳокама этилишига умид қиламан, деди жумладан у.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида ЕХҲТнинг Марказий Осиё бюроси раҳбари Ганчо Ганчев ҳозир бўлди.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎзА мухбири

Ҳушёрликка даъват

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари

САВОЛ. Муҳтарам Президент, Ўзбекистондаги сўнгги воқеалар муносабати билан юртимиздаги сиёсий-ижтимоий вазиятга жаҳон жамоатчилиги ва хорижий матбуот вакилларининг қизиқиши сезиларли даражада кучайди. Бу хусусда турлича қарашлар, фараз ва талқинлар бор. Сизнинг фикрингизча, бу воқеаларни қандай тушуниш ва баҳолаш мумкин?

ЖАВОБ. Дарҳақиқат, бугун жамиятимиз кескин сиёсий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Буни ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар, одамларимизнинг сиёсий фаоллиги ортиб бораётгани, эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланаётгани мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, афсус билан қайд этиш лозимки, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манфаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам жонланиб қолди.

Биз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданоқ энг олий мақсадимиз — юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ғояларини очиқ-ойдин баён этганмиз. Ўтган саккиз йил мобайнида қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамасдан, танлаган йўлимиздан изчиллик билан бормоқдамиз. Бу йўлнинг ўзига хос жиҳатларини, дуч келиши муқаррар бўлган машаққатлар ва турли синовларни, хавф-хатарларни назардан четда қолдирмасликка, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга интилиб келмоқдамиз.

Мен Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида, халқимизнинг тинчлиги ва омонлиги учун, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги учун жавобгар шахс сифатида, қолаверса, шу азиз ва бетакрор юртнинг бир фарзанди сифатида ўз фаолиятимда авваламбор аҳолимиз ва халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини мана шу қалтис, ўта мураккаб, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалаларга қаратиш, уларнинг тўғри ва оқилона ечимини топиш ҳақида ҳамиша бош қотириб келаман.

Хусусан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобимда, кейинги вақтдаги нутқ ва чиқишларда, «Тафаккур» журнали, «Туркистон» газетаси, «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги вакилларининг саволларига берилган жавобларда, Олий Мажлисимизнинг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузада мен бу ҳақда алоҳида ва батафсил тўхталиб ўтган эдим.

Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу корга мансуб бўлган кенг оммани огоҳликка чақириш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш, энг муҳими, миллий ғоя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборатдир.

Ўйлайманки, бугун юртимизда яшаётган ҳар бир онгли инсон мамлакатимизнинг олға босиши, тараққий топган давлатлар билан ҳамкорликда ривожланиши учун зарур шартларни англаш билан бирга, шу қадамларимизга тўсиқ бўлиб турган сабаб ва кучларни, уларнинг бизга қарши очиқ ва пинҳона қилаётган ҳаракатларини ўзига тасаввур қила олиши мумкин.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгандан буён ўтган даврга назар ташлайдиган, уни танқидий баҳолайдиган бўлсак, кўп ҳолларда кундалик муаммолар, асосан моддий ташвишлар билан ўралашиб, давлатимиз, халқимиз бошидан кечираётган тарихий жараёнларни тўла англаб етолмаётганимизни сезиш мумкин. Очиқ тан олишимиз даркор: баъзи бир хомхаёл, эскича фикрлайдиган одамларнинг назарида мамлакатимиздаги ижтимоий вазият гўёки 80-йиллардан буён теп-текис, силлиқ, ҳеч қандай кураш-ларсиз ўз йўли, ўз табиий оқими билан давом этиб келаётгандек туюлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки самаралари, улкан қурилиш ва иншоотлар қандай машаққатли меҳнат эвазига, мамлакатимиз тараққиёти йўлида, халқаро майдонда муносиб нуфузга эга бўлиш йўлида ҳеч кутилмаган, оғир тўсиқларни енгиш эвазига қўлга киритилаётганини баъзи бир кишиларнинг тасаввур қилиши ҳам қийин.

Бу ҳақиқатни одамларга гоҳ-гоҳ эслатиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

Ваҳоланки, кейинги саккиз-ўн йил ичида давлатимиз, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ва оила тақдирида қандай мураккаб синовлар бўлганини, халқимиз не-не қийинчилик ва тўсиқларга дуч келиб, уларни сабр-бардош ва матонат билан енгиб келаётганини, энг муҳими, жамиятимиз ҳаётида, унинг турли тоифа ва босқичларида, одамларимиз тафаккурида оғир кураш кечаётганидан огоҳ бўлиш, бундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш нақадар зарур эканини барчамиз яхши англаб олмоғимиз даркор.

Мен ҳозир умумий ривожимиз, ҳаётимизни янгилаш, давлат ва жамият қурилиши борасидаги кенг кўламли ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Мен фақатгина бир фикр аҳолимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлишини истардим: **агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил балоқазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин.**

Шу билан бирга, бундай ёндашув одамларимизни ташвишга солаётган маълум воқеаларни, уларнинг негизида ётган сабаб-оқибатларни тасаввур этиш, тушунишга кўмак беради.

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузамда мен бу масалага муносабат билдириб, халқимиз эътиборини иккита хавф-хатарга қаратган эдим.

Булардан **биринчиси** мамлакатимиз ташқарисидаги тажовузкор, ақидапараст кучлар бўлиб, улар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, ота-боболаримиз динини ниқоб қилиб, Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, уни орқага қайтаришга уринмоқдалар.

Бу фикрнинг тасдиғини Ўзбекистонда сўнгги йилларда пайдо бўлган, бизнинг динимизга ёт турли ақидапарастлик оқимига мансуб — ваҳҳобийлик дейсизми, «Ҳизбут-таҳрир» дейсизми, «Мусулмон биродарлар» дейсизми — ҳаракатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугун бизда мавжуд маълумотлар ва шу диний-экстремистик ҳаракатларнинг қўлга тушган баъзи бир маҳаллий «доҳийлари» берган кўрсатма ва иқрорларга кўра, бу оқимлар юртимизда кечагина эмас, балки 80-йиллардан илдиз ота бошлаган. Уларнинг ортида айрим чет мамлакатларда жойлашган, бизни ўз таъсирига олмоқчи бўлган марказлар турган.

Ўша марказларнинг ғуғоғига илиниб, уларнинг садақалари ҳисобидан тирикчилик қилган ва шундан манфаат кўрган бу маҳаллий «доҳийлар» ўз фаолиятини юртимизда ўта махфий ва пинҳона тарзда олиб борган.

Бугунги маълумотларга қараганда, бу бир тўда сотқинлар аввало ўзлари ишонмайдиган ғоя ва ақидаларни аҳоли ўртасида тарқатиб, иродаси бўш, онги паст айрим ёшларни алдаб-сулдаб, уларга қасам ичириб, сохта эътиқодга кўндириб, ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришга ўринганлар.

Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, бундай махфий тарзда қўпорувчилик фаолияти олиб бораётган ташкилотларни чет эллардаги экстремистик кучлар ва марказлар бошқариб тургани, улар ўзининг ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун катта куч ва маблағ сарф қилаётгани биз учун аён. Бугунги кунда бизда буни тасдиқловчи етарли далиллар бор. Тергов ва суд жараёнлари тугаганидан сўнг бу маълумотлар кенг жамоатчилик ва халқимизга, албатта, маълум қилинади.

Иккинчи хавф-хатар бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир.

Юртимизга таҳлика солиши мумкин бўлган мана шу икки омил ҳақида чуқур фикр-мулоҳаза юритган одам ўзини қийнаётган кўп-кўп саволларга жавоб топиши мумкин. Зийрак, дунё ишларидан озми-кўпми хабардор юртдошларимиз буларнинг қандай кучлар эканини, уларнинг сиёсий башарасини, ғаразли мақсадларини яхши билади. Биз халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ўз йўлимизда қатъиймиз: яъни Ўзбекистон ақидапарастликнинг — у хоҳ диний, хоҳ коммунистик шаклда бўлсин — ҳар қандай кўринишларига қарши. Шунингдек, биз ҳар қандай шовинистик, бизни менсимаслик, империя кўзи билан қарашга интилишларини, минтақада ҳукмронлик ва зўравонлик қилиш даъволарини ҳам кескин рад этамиз. Аввало яқин қўшниларимиз, дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликка эса доимо тайёрмиз.

САВОЛ: Шу кунларда 16 февраль воқеаларини содир этишда айбланаётган бир гуруҳ кимсалар устидан суд жараёни давом этмоқда. Судланувчилар-

(Давоми 2-бетда)

Амалий ҳамкорлик — тараққиёт мезони

Хабар қилинганидек, 24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро Кенгашининг Қирғизистон пойтахти Бишкекда бўлиб ўтган мажлисида иштирок этиб қайтди.

Мажлис кун тартибидан минтақавий интеграция ва хавфсизликка оид қатор масалалар жой олди. Ҳамжамият Ижроия Қўмитасининг 1997-1998 йилларда амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи, Давлатлараро Кенгаш топшириқларининг ижроси таҳлил этилди. Давлатлараро Кенгаш ҳақидаги, шунингдек, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисидаги битимларга қўшимчалар киритиш хусусида келишиб олинди. Мажлисда Қирғизистон Президенти А. Акаев Давлат Раҳбарлари Кенгашининг раиси, ушбу мамлакат Бош вазири О. Муралиев эса Бош вазирлар кенгаши раиси этиб сайланди. Анжуман иштирокчилари Украина, Грузия ва Туркияга Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятида кузатувчи мақомини беришга қарор қилди. Давлатлараро Кенгашнинг навбатдаги йиғилишини қаерда ўтказиш бўйича Тожикистон Президентининг таклифи маъқулланди. Галдаги учрашувга Тожикистон мезбонлик қиладиган бўлди.

Бишкек учрашувида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сўзга чиқиб, иштирокчилар эътиборини интеграциявий жараёнларнинг оқсаётган томонларига қаратди. Яъни, ҳамжамиятда ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилмаётганини таъкидлади. Дарҳақиқат, вазиятга четдан тўриб қаралса, баландпарвоз гаплар кўпу, аммо амалда самара камлигини кўриш мумкин. Декларациялар қабул қилинади, шартнома ва битимлар имзоланади, сўнгра матбуот анжуманида «улкан ишлар» ҳақида баёнотлар тарқатилади. Лекин амалда-чи?

Аслида табиий, меҳнат заҳираларига бой, юксак иқтисодий ва ақлий салоҳиятга, улкан имкониятларга эга Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ташқи иқтисодий хуружларнинг олдини олишда биргаликда иш кўриш, биргаликда тараққиёт сари одимлаши лозим, деди Ислом Каримов. Масалан, Жануби-шарқий Осиёда юзага келган иқтисодий инқирознинг таъсир доираси кенгайиб, у Россия ва Лотин Америкаси давлатларигача етиб борди. Бу инқироз Марказий Осиё мамлакатларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Қўшни давлатлардаги иқтисодий аҳвол қандай эканлигини ҳозир кўпчилик яхши билади. Лекин, таъкидлаш жоизки, бу инқирозга қарши туриш, унинг зararини имкон қадар камайтириш мумкин эди. Катта бўронннинг тўлқини алоҳида бир давлатни осонликча енгиши мумкин, жипслашган бир неча давлатни енгиш эса осон бўлмасди.

Президент Ислом Каримов яна бир муаммони ўртага ташлади. Бу жаҳон бозоридаги аҳвол билан боғлиқ. Мана бир неча йиллардан буён минтақамизда етиштириладиган хомашё турларининг нархи паст. Илгарилари пахтанинг тоннаси 1700 АҚШ долларига сотилган бўлса, ҳозир у 1200-1250 доллар даркорфида баҳоланмоқда. Олтин, нефть, рангли металлар ва бошқа товарлар савдоси ҳам шу аҳволда. Бундан қандай хулоса қилиш мумкин? Манзара фақатгина бир фикрни уйғотади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар хомашё етиштирувчиларни сиқмоқда. Улар сунъий тарзда хомашё нархини тушириб, уни етиштирадиганларнинг ўсишига тўсқинлик қилмоқда. Бу иқтисоднинг «яшаш учун кураши»дир ва уни табиий ҳол деб қараш керак. Хомашёни арзонга олиб, уни етиштирувчининг даромадини камайтириш сиёсий фойда ҳам беради. Чунки, хомашё арзон сотилса, валюта тушуми камаяди, бунинг оқибатларини санаб ўтириш эса ортиқча. Вазият шунга бориб тақаладики, хомашё етиштирувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчидан кредит олади. Бу кредитлар, табиийки, маълум шартлар эвазига «тақдим этилади». Демак, бозор конъюнктурасининг хомашёга қарши чиқаётгани Ҳамжамият давлатларини бефарқ қолдирмаслиги керак.

Хомашё нархининг пасайиши жараёни фақат Марказий Осиёда кузатилаётгани йўқ. Масалан, бир неча йиллардан буён қаҳва етиштирувчи мамлакатлар унинг нархи пасайиб кетаётганидан ташвишда. Лекин, қизиғи шундаки, хомашё қаҳва арзон бўлишига қарамай, истеъмол учун тайёр қаҳванинг нархи йилдан йилга ортиб боряпти.

Жаҳон бозори ва халқаро молиявий марказларда «об-ҳавони белгилайдиганлар» бозор конъюнктураси ўзгармаслигидан манфаатдордир. Уларнинг таъсиридан якка-якка ҳолда қутулиб бўлмаслиги ҳам равшан. Демак, бир ёқадан бош чиқариб ишлаш мақсадга мувофиқ. Яъни, аввало, ҳар бир мамлакат ўзига тўқ бўлиши керак. Ўз муаммоларини ҳал қилиш учунгина бирор халқаро бирлашмага қўшилиш тўғри бўлмайди. Давлатимиз раҳбари бунга бежиз тўхталгани йўқ. Ҳамжамият ичида бунга мисоллар келтириш мумкин. Иккинчи тадбир эса, эркин савдо зонасини барпо этиш. Бу орқали товарлар, сармоялар, иш кучи оқими эркинлаштирилади, божхоналарда, солиқ йиғиш муассасаларида ортиқча ғалвалар бўлмайди.

Бошқача айтганда, Ҳамжамият минтақасида оддий иқтисодий муносабатларни қарор топтириш керак. Лекин ҳозир нима бўляпти? Бир давлат иккинчисидан ғаллани ташиб чиқиб кетади, яна бири нефтни. Бир давлат божхоначилари қўшни давлатдан келаётган транспортдан ўзаро келишувларга зид равишда тўлов олади, бошқаси чегарадан ўтишни чеклаб қўяди ва ҳоказо. Албатта, ҳамма ўз манфаатини кўзлаб иш тутади. Бу — табиий. Масаланинг биргина «лекин»и шуки, товарлар ва хизматлар оқимини осонлаштиришни кўзда тутадиган давлатлараро ҳужжатлар қабул қилинган. Божхоначилар эса назоратсиз равишда ўзлари хоҳлаган қонунларни рўкач қилиб, тўловни олиб ётибди.

Иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий замини ҳужжатда қолиб кетмай, амалда тўла иш берганида, аҳвол бошқача бўларди. Тассуфки, ҳамжамият аъзоларининг ички бозорлари бир-бири учун очиқ эмас. Сунъий тўсиқлар интеграциялашув жараёнини оқсатмоқда. Ўзбекистон раҳбари буни бартараф этиш учун эса тартибли, замонавий тарзда муносабат қурмоқ кераклигини айтди. У баландпарвоз гаплардан амалиётга ўтишни таклиф қилар экан, ана шундай, бир қарашда майда кўринадиган, лекин катта-катта жараёнларга тўсқинлик қилаётган омилларни ҳал этиш даркорлигини таъкидлади. Зеро, «майда» муаммоларни ҳал қилмай туриб, йирик ишларни амалга ошириш мумкин эмас. Яна ҳужжатлар имзоланавериши, умидли гаплар айтилавериши мумкин. Лекин, улар амалда самара бермайди. Бунинг тасдиғини МДҲ доирасида кечган жараёнларда ҳам кўриш мумкин.

Президент Ислом Каримов интеграция жараёнларини оқсатувчи яна бир муҳим муаммо сифатида диний айирмачиликни келтирди. Ҳеч кимга сир эмас, бу оқимнинг тўлқинлари аллақачон минтақамиз давлатларига етиб келган. Тошкентда 16 февраль куни рўй берган мудҳиш воқеа ҳали ҳамманинг ёдида. Давлатимиз раҳбари ана шу офатга қарши биргаликда курашиш зарурлигини айтди. Бу муаммо ҳеч бир давлатни бефарқ қолдирмаслиги керак. У минтақамизнинг бир нуқтасида пайдо бўлса, албатта, ҳамма ёққа ёйилади. Тожикистондаги воқеалар бунинг яққол тасдиғидир. Шундай экан, «қушнинг тинч — сен тинч» қабилида иш тутиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳавфсизлик масаласини ижобий ҳал этиш интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириши равшан. Бир мисол. Бир давлатдан иккинчи бир давлатга қурол-яроғ олиб ўтилса ёки бирор айирмачи ўзга мамлакат ҳудудида яшаб юриб, ўзиникида турли қўпорувчиликлар, «сиёсий ўйинлар» қилгудек бўлса, давлатлараро муносабатларга путур етади. Чегаралардан ўтиш қийинлашади, ўзаро шубҳа ва гумонлар кўпаяди. Бундай шароитда интеграция ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Бинобарин, минтақанинг ҳар бир давлатидаги хавфсизлик муаммоси бевосита бутун минтақанинг муаммоси сифатида қаралиши ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳал этилиши лозим.

Бишкек учрашуви иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фикр-мулоҳазаларини маъқуллади. Давлатимиз раҳбарининг нуқтаи-назари ва таклифлари анжуман қатнашчиларининг Қўшма Баёнотидан жой олди.

Шунингдек, учрашувда Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев ҳам минтақавий интеграцияни ривожлантириш масаласи юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Жумладан, у илгариги учрашувларда трансмиллий молия-саноат гуруҳлари, турли консорциумлар тузишга келишиб олинганини, лекин бу борадаги ишлар оқсаётганини таъкидлади. Нотиқ пахта, рангли металлар ва бошқа товарларнинг савдосида квоталар белгилаш, хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро тўловларни мувофиқлаштириш, бунда миллий валюталар муомаласи ҳажмини ошириш лозимлигини айтди.

Тожикистон Президенти И. Раҳмонов эса учрашув иштирокчилари эътиборини иқтисодий интеграциялашув жараёнларини фаоллаштириш учун молия, божхона, солиқ ва бошқа соҳаларни ўзаро мослаштириш заруратига қаратди. У, шунингдек, минтақадаги сув, меҳнат ва табиат заҳираларидан тежамли ва унумли фойдаланиш, қатор соҳалар бўйича миллий қонунларни ўзаро мувофиқлаштириш, божхона тарифлари ва бошқа тўловларни мослаштириш, транспорт, энергетика ва коммуникация тармоқларидан биргаликда фойдаланишни йўлга қўйиш ҳақида сўзлади. Айни чоғда у минтақамиз учун ғоят долзарб ҳисобланган муаммолар — уюшган жиноятчилик, наркобизнесга қарши ҳамкорликни ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб ўтди.

Шундай қилиб, Бишкек учрашувида бугунги кунда минтақа мамлакатлари умумманфаатига тегишли муҳим масалалар муҳокама қилинди, уларни ҳал этиш юзасидан биргаликда амалий ҳаракатлар олиб боришга келишиб олинди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент— Бишкек — Тошкент.

Ҳушёрликка даъват

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари

(Давоми. Боши 1-бетда)

нинг аксариятини ёшлар ташкил қилади.

Албатта, бу ҳол барчамизни ҳам қийнаётгани табиийдир. Бугун Ўзбекистон аҳлини бир савол ўйлантирмоқда: қандай қилиб айрим ёшларимиз бундай зарарли оқимлар таъсирига тушиб, жиноят кўчасига кириб қолди?

ЖАВОБ: Мен кўҳна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий.

Орзу-умидлар билан яшаётган, дунёқараши, руҳий олами шаклланаётган ҳар қайси инсон ёшлик чоғида ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида ўйлайди, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади, шунга қараб турмуш режалари, интилишлари пайдо бўлади. Кўп нарса, албатта, инсоннинг ўзига ва унинг тарбиясига боғлиқ. **Аммо бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эзгу мақсадларига, ҳаётий манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғлиқдир.**

Одамзод қандай тизим, қандай муҳитда яшамасин, барибир ўз қалбида муайян бир ғояга, маслак-мақсадга эҳтиёж сезади. Минг афсуски, бу жараён ҳаммада ҳам бир хил кечмайди, бу тушунча ва фикрлар айрим инсонларнинг қалбига кечроқ кириб боради. Содда қилиб айтганда, уларнинг эс-ҳуши кечроқ, яъни бошига бир мусибат тушганида ёки бирор синовга дуч келганида киради.

Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни ўтиш даври ларзаларидан асраш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди.

Бизга эски тузумдан пахта яккаҳокимлиги, заҳарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқдаги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик офатлар оғир мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар бўлган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалалар ғоят катта куч, маблағ, энг муҳими, вақт сарфлашни талаб этарди.

Шукрки, халқимизни ана шу оғир йиллардан бурнини қонатмай, бировга тобе-қарам қилмай, бутун собиқ шўро маконида ҳукм сурган ижтимоий тўфонлардан омон-эсон олиб ўтишга муяссар бўлдик. Бугун бу ҳақиқатни кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда.

Шундай мураккаб ва кескин муаммолар билан банд бўлганимизга қарамасдан, биз озодлигимизнинг илк кунлариданоқ маънавият, таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор бердик. Бу улкан тарихий ишлар шу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлган халқимизга яхши маълум. Шу боис, уларни бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. **Лоақал миллий қадриятларимизни, тилимиз, тарихимиз, дин-диёнатимизни тиклаш, баркамол авлод тарбияси борасида амалга оширилган ишларни эслаш кифоя, деб ўйлайман.**

Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги мафкура ғояларини сингдириш бир-икки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён эканига бугун ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аммо мафкура-маърифат соҳасидаги вазифамиз фақат одамларимизнинг заҳарланган онгини эски мустабид тузум асоратларидан халос қилишдангина иборат эмас. Бундай деб ўйлаш енгил-елпи фикрлаш билан баробар.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципига тарафдормиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.

Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаяпти, тажрибасиз, ғўр, билими, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб берадию кейин қотиб тураверади - учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба.

Халқимиз мустамлакачилик жабрини, қарамлик фожиасини беҳад кўп тортган. Шунинг учун у тутқинликнинг ҳар қандай шаклини, ҳар қандай кўринишини юрак-юрагидан рад этади. **Бошқача айтганда, энди елкасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ қуллик кишанини қайтадан киймайди.**

Давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Ўзининг бағрикенг, кечиримли эканини тузумимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир карра тасдиқлади. Чунки **ана шу адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир.**

Сизнинг саволингизга қайтиб, қўшимча қилмоқчиман: бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожи шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, баъзи ўринларда, афсуски, кеч қолаяпмиз.

Нима учун кеч қолаяпмиз, деган савол туғилади. Биз таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик. Дастурни амалга ошириш юзасидан жиддий ишлар қилинмоқда. Истиқлол йилларида ташкил этилган янгича гимназия, лицей ва мактабларимизда таълим олаётган ўғил-қизларимиз билан учрашганда, уларнинг эркин, мутеликдан озод дунёқараши билан танишганимда ўзимни ҳаётдаги энг катта орзуси ушалган одамдек ҳис қиламан. Шу болалар сиймосида умрим мазмунини, ҳаётимнинг асосий самараси—мевасини кўргандек бўламан.

Айни пайтда бошқа бир муаммо ҳам мени ўйлантиради: мана шу таълим-тарбия тизимида рўй бераётган буюк ўзгаришлар жараёнидан, афсуски, барча фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлолмаяпти. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу - бор ҳақиқат.

Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган қанчаданқанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганини яққол тасаввур этаман. Бу ишни амалга ошириши лозим бўлган ўқитувчи-мураббийларни кўз олдимга келтирсам, уларни чинакам замонавий билим соҳибларига айлантириш учун ҳали ниҳоятда кўп иш олиб боришимиз керакligини ҳам англайман. Бир сўз билан айтганда, бу борада қанча иш қилмайлик, шу соҳада оқсоқлигимизни тан олишимиз, кўпдан-кўп муаммолар ечими айни шу масалага тақалиб қолаётганини эътироф этишимиз зарур.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия соҳасидаги Миллий дастуримизни кечиктирмасдан дарҳол ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш — бу борадаги фаолиятимизнинг асосий мезони эканини англаб олишимиз шарт.

Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб биладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларидан **Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.**

Айтинг-чи, шундан кейин биз ота-оналарда яна қандай армон бўлиши мумкин? Бундай ёруғ фикрли, мияси тиниқ, эътиқоди соғлом болаларни сохта оқимларга эргаштириб бўладими? Улар пана-пастқамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапига кирадими? Умрида бирорта китоб ўқимаган нодон кимсалар уларни йўлдан оздириши мумкинми? Бу авлод вакиллари ўз Ватанига, ўзини оқ ювиб оқ тараган элюртига қўл кўтариши, унга ёмонлик соғиниши мумкинми? Ота-онасини зор қақшатиб, оқпадар, падаркуш бўлиши мумкинми? Дунёдан ўтиб кетган аждодларининг қабрларини беҳурмат қилиб, уларнинг арвоҳларини чирқиратиши мумкинми? Ўз насл-насабидан, она юртидан воз кечиши мумкинми?

Йўқ. Ҳеч қачон. Онгли инсон, юрагида имон-инсофи, диёнати бор одам асло бундай қилмайди. Қилолмайди.

САВОЛ. Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мавжуд вазиятда маънавий-мафкуравий, таълим-тарбия ишларининг янада катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Сизнинг назарингизда, бу борадаги ишларни такомиллаштириш, янги босқичга кўтариш учун нималарга эътибор бермоқ лозим?

ЖАВОБ: Биз зўравонликка, коммунистик ақидапарастликка асосланган етмиш йиллик даврни бошимиздан кечирдик. Бу даврда оммани сохта ғояларга ишонтириш, уларга итоат қилдириш учун қанча-қанча куч, қанчадан-қанча маблағ сарф бўлмаган, дейсиз. Бу иш билан бутун бошли бир тизим шуғулланар эди. Жамиятнинг энг юқори бўғинидан энг қуйи қатламларигача бу тизим ўзининг кучли таъсирини ўтказар эди. Эҳтимол, бугунги ёшларимиз билмас, лекин нисбатан ёши улуғроқ одамлар у пайтлардаги ҳар турли сиёсий ахборот ва ўқишлар, машғулотлар, лекция ва маърузаларни яхши эслайди. Матбуот, радио-телевидение, адабиёт ва санъатнинг ҳам бор эътибори шу масалага — одамлар онгида бўшлиқ пайдо бўлмаслигига қаратилган эди. Бошқача айтганда, бу тизимнинг ягона мақсади — шу режимга керак бўлган мафкурани кишилар онгига зўрлик билан сингдиришдан иборат эди. Ўзбек халқини ҳар тонгда "Ассалом, рус халқи, улуғ оғамиз!" деган нағмалар билан уйғотишдан кўзланган ният ҳам аслида ана шу эди.

Шўро даврида мафкура масаласида шундай бир механизм мавжуд эдики, у одамларни фикрлашга чорламаса-да, сохта ғояларни ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга эриша оларди.

Бу ҳақда ўйлаганда мени бир савол қийнайди. Нега энди шўро ҳукумати ўз сохта ғояларини омма онгига сингдира оларди-ю, биз эса халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, унинг фаровон турмуши ва бахтли келажаги учун хизмат қиладиган ҳаққоний миллий ғоямизни одамларимиз қалбига сингдира олмаймиз?

Менингча, бунинг асосий сабаби шундаки, биз демократик **жамият қурар эканмиз, мафкуравий зўравонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик.** Жамият аъзоларининг қонун олдидаги масъулиятини ҳаётимизнинг устувор тамойиллари деб билиб, бунга қатъий амал қилишга интилдик.

Бизнинг пировард мақсадимиз —инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат. Иншоллоҳ, биз бу мақсадимизга эришамиз. Чунки бутун маърифий дунё айнан шундай қонунлар асосида яшайди ва тараққий қилади. Чунки бундай жамият аъзолари билан баҳс қилиш, мунозара юритиш, умумий тил топиш мумкин. Аммо миясига хомхаёл васвасаси зулукдай ёпишиб олган, на қонунни, на реал ҳаёт талабларини тан оладиган мутаассиб тўдалар билан қандай муроса қилиш мумкин?

Мен халқни бирлаштирувчи, юксак мақсадлар сари чорловчи мафкура — миллий ғоянинг жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида илгари ҳам қайта-қайта айтиб ўтганман. Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, **мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим.**

Айтинг-чи, миллий мафкурани аниқ тасаввур қилмасдан, унинг назарий асосларини тўғри белгилаб олмасдан туриб бу масалани ҳал қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Миллий ғоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас.

Аёнки, бу муаммо тарғибот-ташвиқот орқали амалга оширилади. Лекин биз нимани ва қандай тарғибот қилишни аниқ ва пухта тасаввур этишимиз керак. Яъни, агар таъбир жоиз бўлса, мафкуравий озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усулларини ишлаб чиқиш даркор.

Содда қилиб айтганда, мустақиллик ҳар қайси одам, ҳар қайси оила, юртимиз учун, келажагимиз учун нима берди ва нима беради, деган масалани оддий ҳаётий мисоллар асосида кишилар онгига етказиш, қалбига сингдириш орқали уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, кўзини реал ҳақиқатга очиб бериш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз халққа ўз сўзларини айтишлари керак. Улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим. **Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга чорлаш керак.**

Бунинг учун эса аввалламбор миллий ғоя, миллий мафкура негизида одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод ватан қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу ғояларни бойитиб-ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фаолиятини ташкил этиш зарур.

Бу ишни қандай йўлга қўймоқ даркор?

Биринчидан, мавжуд вазиятни, яқин истиқболимизнинг ривожланиш тамойилларини, керак бўлса, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганадиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг имкониятидан тўла фойдаланиш зарур. **Токи бу ташкилотлар ҳар қандай манфаатдан ёки таъсирдан холи бўлиб, бизга реал ҳаёт ҳақида, муайян ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида аччиқ бўлса-да, холисона, ҳаққоний хулосалар берсинлар.** Ва жамиятни эски асоратлардан халос этиш, дунёқарашимиз, маънавиятимиз ва мафкурамизни юксак босқичга кўтариш йўлларини пухта ишлаб чиқишлари ва тавсия этишлари даркор. Бу ишга Тарихчилар, Файласуфлар кенгашлари, яқинда тузилган Маърифатпарварлар жамияти каби жамоат ташкилотларини жалб этиш керак.

Иккинчидан, вилоят ва туман ҳокимликларининг бевосита кўмагида Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари қошида маърифий тарғибот кенгашларини тузиш лозим. Бу кенгашлар таркиби элюрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан йўл топа оладиган фидойи инсонлардан иборат бўлиши керак.

Учинчидан, мактаблар, лицей ва коллежларда бевосита маънавият масалалари билан шуғулланадиган мутасадди мутахассислар лавозимларини жорий этиш зарур.

Тўртинчидан, мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўгараклар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим.

Модомики, ёшларни фикрлашга ўргатиш, тафаккур тарбияси ҳақида сўз борар экан, биз муҳим бир нуқтани ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур. Фикримни очиқроқ айтадиган бўлсам, ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, болани гўдаклигидан юз-кўлини ювишга ўргатмасангиз, керак бўлса, мажбур қилмасангиз, ювуқсиз ҳолда дастурхон атрофига ўтириш унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан хос бўлган шарму ҳаё, андиша, ота-онага ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди.

Кўриб турганимиздек, бу усул тарғибот-ташвиқот ишларида маълум ўринларда ўзини оқлайди. Чунки тарғибот-ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. Шундай қилмасак, биз ёшларимизни ёт таъсирлардан асрай олмаймиз.

Ҳар қайси шахс, аввало ёш авлод қалбида жамият, эл-юрт, қўйингки, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир.

Биз келажак ёшларники, деган гапни кўп айтамиз. Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолишини орзу қилиб яшаймиз. Барча эзгу ишларимиз замирида ана шу олижаноб мақсад мужассам. Биз шу азиз диёрда нафақат фарзандларимиз, балки невара-чевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиришини, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё турғунича туришини истаймиз.

Биз бугун айрим давлатлардан моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсакда (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нуқтаи назаридан қараганда улкан ғурур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада бойитиб-ривожлантириш, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир.

Тил – дарё, дарёмизни асрайлик

Республика атамашунослик қўмитаси жамоатчилик истагига кўра атамалар қўлланишида юз бераётган ҳар хиллик ва чалкашликларни бартараф этиш мақсадида ўзлашма (байналмилал) терминларнинг тўғри қўлланиши бўйича тавсияларни бера бошлаган эди. Бугун шу рўйхатнинг давоми эълон қилинмоқда.

Русча ёзилиши	ўзбекча қўлланиши (ва манба тиллардаги маъноси)
авария	**1. авария** (арабча «авар» —зарар, талофат, бузилиш). Машина, самолёт, кемаларнинг тўсатдан ишдан чиқиши. **2. ҳалокат** (йўл-транспорт ҳодисаси, бахтсиз ҳодиса).
автомобиль	**автомобиль** (юнонча (avto — ўзи+лотинча modilis — ҳаракатланадиган). Бу сўзга ўзбекча муқобил излаш самара бермайди.
агент	**1. вакил** (муайян ташкилот, муассаса ва ҳоказоларнинг топшириқларини бажарувчи). **2. агент** (лотинча agens — ҳаракат қилувчи). Қидирув ёки разведка хизмати ходими.
адвокат	**адвокат** (лот. advocatus — таклиф қиламан). Бу термин ўзбекчада оқловчи, ҳимоячи тарзида ҳам ишлатилади. Бироқ улар адвокат маъносини тўлиқ бера олмайди.
администрация	**маъмурият**
адрес	**манзил** Бу атаманинг «манзилгоҳ» тарзида қўлланиши нотўғри. Гоҳ қўшимчаси ҳам жой маъносини англатади.
адресант	**юборувчи**
адресат	**олувчи**
академия	**академия** (юнонча Akademia — Афлотун (Платон) томонидан Афина яқинида асос солинган ва афсонавий қаҳрамон Академ номи билан аталган фалсафа мактаби). Академияни «Байтул ҳикма» деб тавсия қилганлар ҳам бор. Бироқ у Академия маъносини умуман бера олмайди.
аккредитация	**аккредитациялаш** (лотинча accredere — ишониш). Бу терминни «рўйхатдан ўтган» тарзида бериш нотўғри.
акт	**1. далолатнома,** акт (лотинча acfim — ҳужжат, actus — ҳаракат). Юридик аҳамиятга эга ҳужжат. **2. ҳаракат.** Акт термини аслида 2 маънога эга. Иккинчи маънода ишлатилганда «ҳаракат» деб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.
актив	**1. фаол** (ташкилот, жамоа фаоллари). **2. актив** (лотинча acfivus — фаол, ҳаракатчан) Бухгалтерлик балансининг бир қисми — актив (иккинчи қисми пассив дейилади). Демак бу термин ҳам аслида 2 маънони англатади ва ўзбек тилида 2 термин билан ифодаланади.
акция	**1. акция** (французча action — қимматли қоғоз, лотинча actio — ҳаракат) **2. ҳаракат** (масалан, русчада «акции протеста» — ўзбекчада «норозилик ҳаракати». Акция сўзи ҳам аслида 2 маънога эга.
акционер	**акциядор** (акция сўзидан ясалган), ҳиссадор. Ҳозирги пайтда акциядорга муқобил тарзида ҳиссадор сўзи ҳам кенг қўлланиб келмоқда. (масалан, акциядорлар жамияти — ҳиссадорлар жамияти).
алимент	**алимент** (лотинча alimentum — қарамоғидаги, боқимидаги). Бу сўзнинг «нафақа» тарзида ишлатилиши тўғри эмас.
альтернатив	**муқобил**
амнистия	**амнистия** (юнонча amnestia кечириш, афв этиш) Бу сўзнинг адабиётларда (тарихий) афв умумий варианти ҳам бор.
аппарат	**1. девон** (Президент девони) **2. аппарат** (лотинча apparatus — ускуна). Техника соҳасида ишлатилади.
апелляция	**1. апелляция** (appelatio мурожаат, шикоят). Апелляция суди, апелляция комиссияси. **2. шикоят** (қуйи суд қарори ҳақида юқори судга берилган шикоят).
археология	**археология** (юнонча archaios — қадимий — Logos тушунча, таълимот). Бу атамани қадимшунослик деб қўллаш археология сўзини англатган, яъни моддий бойликлар асосида инсоният жамиятининг тарихий ўтмишини ўрганадиган фан маъносини бера олмайди.
архив	**архив** (юнонча archeion — хизмат жойи). Бу атамани ҳужжатхона, ҳужжатасров тарзида ишлатиш архив англатган маънони бера олмайди.
аттестация	**аттестация** (лотинча attestatio — гувоҳнома). Уни малака синов тарзида қўллаш нотўғри. Чунки аттестацияда фақат малака синалмайди, балки унинг билим даражаси, ҳулқи ҳақида ҳам мулоҳаза юритилади.
аудитор	**аудитор** (лотинча auditor — тингловчи). Бу терминнинг тафтишчи деб берилиши тўғри эмас. Чунки аудитор хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини мустақил равишда экспертиза ва таҳлил қилади.

(Давоми бор)

Ўзликнинг теран томири

Ана томошаю мана томоша. Ҳурликни кўзига суртган момоларимиз, боболаримизнинг миллий анъаналаримиз, либосларимизни кўз-кўз қилиб яйрашини кўриб, беихтиёр шу юрт, шу миллат фарзанди эканлигингдан бошинг осмонга етади. Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари Республика илмий-услубият маркази томонидан ўтказилган фольклор жамоаларининг бешинчи анъанавий кўрик танлови ниҳоясига етди. Танловда 14та жамоа ўзаро куч синашди. Аброр Ҳидоятов номли ўзбек Давлат драма театрида икки кун давом этган ушбу беллашувда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги «Гулчеҳралар» ва Фарғона вилояти Қува туманидаги «Дўстлик» фольклор жамоалари голибликни қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги «Бесперде» ва Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар «Заррин япроқлар» ҳамда Оққўрғон туманидаги «Тўрғай» фольклор жамоаларининг ҳамкорликдаги чиқишлари учун берилди. Учинчи ўрин эса Жиззах вилояти Жиззах тумани «Зебомхон», Бухоро вилояти Вобкент туман «Мардоно», Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани, «Булбулгўё» ва Навоий вилояти Хатирчи тумани «Ёр-ёр» фольклор жамоаларига насиб этди.

Фотима ЖУМАЕВА

Ташаббуслар ташкилотчиликда туғилади

Ҳар қандай ташаббус ташкилотчилик билан уйғундир. Ташаббускорлик етишмаган жойда, шубҳасиз, ўнгланиш ҳам, туб бурилиш ҳам кўзга ташланмайди. Аксинча, изланувчанлик, интилиш, ғайрат ва шижоат бор жойда амалий ишлар, оммалаштиришга арзигулик фаолиятлар кўзга ташланаверади. ЎзХДП Навоий вилоят ташкилотининг иккинчи конференциясида худди шу ҳолат, яъни кенгаш ишида ташаббус ва ташкилотчилик етишмаётгани, аён бўлди. Маъруза ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, конференциядан-конференциягача бўлган даврда аъзолар сони ортса-да, кенгаш ишида молиявий танглик, бадаллар йиғимидаги сустлик юзага келган. Оқибатда, котибларнинг тез-тез алмашинувига йўл қўйилган.

Хўш, эндиги вазифа нималардан иборат? Нима қилса, ишда бурилиш ясалади? Қайси ҳолатда ташкилот ишини ўнглаш мумкин?! Конференцияда худди шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб изланди. Унда ҳисобот маърузаси қилган вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р. Ботиров, ташкилот тафтиш комиссияси раиси С. Қобилов асосий диққат-эътиборни танқид, ўз-ўзини танқид руҳига қаратдилар.

Ҳа, вилоят партия ташкилоти биринчи конференцияси бўлиб ўтгандан бўён анча йил ўтди. Кенгаш таркиби ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Айни пайтда, вилоят кенгаши тасарруфида иккита шаҳар ва 8 та туман партия ташкилотлари бўлиб, уларда 500 та бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатяпти. ЎзХДП вилоят ташкилоти сафларига шу йиллар давомида саккиз мингга яқин янги аъзолар қўшилди ва уларнинг жаъми сони 19,5 мингдан ортди. Аъзоларнинг асосий кўпчилиги кончилар, кимёгарлар, цементсоз ва нурчилардир. Бир сўз билан айтганда, вилоят партия ташкилоти нуфузида саноат шаҳарлари — Навоий, Учқудуқ, Зарафшон муҳим ўрин тутади. Худди шу олис Қизилқум ҳудудларидаги бошланғич партия ташкилотлари кўп жиҳатдан ёшлар билан ишлашда ўзига хос тажрибага эга. Бу ўринда Шимолий ва Марказий туман бошқармаларини, Кўкпатасдаги учинчи гидрометаллургия заводини, Мурунтов олтин конини, Қароқота фосфорит комбинати бошланғич партия ташкилотларини кўрсатиш мумкин. Бу гигант корхоналарда нафақат бошланғич ташкилотларни, балки, ҳудудий партия ташкилотларини кўпайтиришнинг фурсати етган эди. Бироқ, собиқ раҳбарларнинг ишни сусайтирганлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда масъулиятсизликка йўл қўйганликлари меҳнат интизомида, молиявий аҳволда қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Кадрлар ношудлиги, кўнимсизлиги оқибатида, ташкилот ўз обрўйини қўлдан берди: партиявий ишларнинг барча соҳаларида турғунлик, ортга чекиниш кузатилди. Шундай вазиятда ҳам нисбатан яхши ишлаб келган, аввало сон ва сифатда ўсишга эришган Зарафшон шаҳар ва Хатирчи тумани партия ташкилотларининг тажрибалари ўз вақтида оммалаштирилмади. Вилоят партия кенгаши раҳбарияти Марказий Кенгашнинг моддий ва маънавий ёрдамига қарамасдан, ташкилотда ҳукм сураётган молиявий аҳволни ўнглаш ҳақида астойдил қайғурмади. Фақат 1998 йил 14 мартда бўлиб ўтган вилоят партия кенгашининг XIV пленумида унинг раҳбарияти янгиланганидан кейин ишда ижобий ўзгаришлар бошланди. Ўтган бир йилдан кўп вақт давомида вилоят партия ташкилотларида ХДП сафларига янги аъзоларни қабул қилиш, аъзолик бадалларини ўз вақтида йиғиш, партия йиғилишлари, ижроия бюро мажлислари, кенгашлар, пленумларини ўтказиш яхшиланди. Ҳокимликлар ва жамоа ташкилотлари билан биргаликда «Наврўз» байрами, Мустақиллик куни, оила ва аёллар йилига бағишлаб, турли тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, бошқа кўпгина хайрли ишлар ҳам қилинмоқда.

Шу билан бирга, вилоят партия ташкилоти фаолиятининг холисона таҳлили ишда ҳали талайгина нуқсонлар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мафкуравий соҳада партиянинг кенг жамоатчилик ўртасида таъсирини ўтказишда бебаҳо аҳамиятга эга бўлган Марказий Кенгаш нашрлари — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига обунани уюштиришда жорий йилда ҳам кескин бурилиш бўлмади. Бу борадаги режалар аро йўлда қолиб кетди. Аҳоли ўртасида бевосита иш олиб борадиган, фуқаролар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширадиган, сайловчилар билан мунтазам мулоқотда бўладиган партия қуйи бўғинларини мустаҳкамлаш, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш ишлари ҳам бу йўлда суст бораётир. Агар ортда қолган етти йилда ташкилот сафлари йилига, ўртача, 800 дан зиёдроққа ўсган бўлса, бошланғич ташкилотлар сони атига 50 тага кўпайган, холос. Қизилтепа туманида эса, ҳаттоки, уларнинг умумий сони, кўпайиш ўрнига, камайган. Бошланғич партия ташкилотларининг республикада 37, қўшни Бухоро вилоятида 38 ва Самарқанд вилоятида 42 фоизи ҳудудий бўлган бир пайтда, Навоийда бу кўрсаткич бор-йўғи 27 фоизга тенгдир.

Вилоят партия ташкилоти Марказий Кенгаш XIX пленумининг аёллар йилига доир қарорини тўла-тўкис бажаришда ҳам оқсаяпти. Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Қизилтепа туманида ХДП сафларига янги кирганларнинг фақат 20 фоизигина аёллардир. Янгидан сайланган 17 та шаҳар ва туман партия кенгашларининг котиблари орасида фақат биргина аёл борлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Ёшлар билан ишлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш Давлат дастурини бажариш, жойларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида ХДП аъзоларининг бевосита иштирокини ташкиллаштириш, партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар гуруҳлари ишини фаоллаштиришда ҳам талай нуқсонлар мавжуд. Маъруза юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан ХДП Хатирчи туман кенгашининг биринчи котиби Раҳмон Раббимов, Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» жамоа хўжалиги раиси С. Раҳимова, Зарафшон шаҳар «Тармоқ» касаба уюшмалари раиси ўринбосари И. Кондратенко, Навоий шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Р. Ҳакимова, ХДП Томди туман кенгашининг биринчи котиби О. Майхиев, Навоий вилояти ҳокими муовини А. Ҳайдаров ва бошқалар ҳам кенгаш ишида ташаббускорлик ва ташкилотчиликни янада ошириш, амалий ҳаракатларни тубдан яхшилаш зарурлигини таъкидлашди. Нотиқлар ХДП аъзоларининг халқ билан яқдиллигини кучайтириш, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини муттасил ошириб бориш лозимлигини айтишди. Айниқса, юртбошимиз Ислом Каримовнинг республика Олий Мажлиси XIV сессиясида қилган илҳомбахш маърузаси, янги асрга ундовчи даъватлари ишимизда асосий дастуруламал бўлаётганлигини фахрифтихор билан қайд этдилар.

Делегатлар, шунингдек, жорий йилда мамлакатимизда сайловлар ўтказилиши муносабати билан партия ташкилотлари мавсумолди масъулиятининг ошиши, бунга жавобан, мавжуд камчиликларнинг тезроқ олди олинишини ўқдириб ўтишди. Партиямиз олдида турган долзарб вазифаларни бажаришга бутун куч ва имкониятлар ишга солиниши давр тақозоси эканлигини делегатлар қайта-қайта тилга олишди.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ташкилотнинг яқин келажакка мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишлари тасдиқлаб олинди.

Конференцияда ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби шакллантирилди, у, шунингдек, мазкур кенгашга партиянинг III қурултойи ҳамда бўлажак сайловлар муносабати билан тегишли ваколатлар берди.

Делегатлар вилоятдаги ЎзХДП ташкилотлари, барча аъзоларига қарата мурожаатнома қабул қилдилар.

Конференцияда сўзга чиққан ЎзХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов партиядошларни ташаббускорликка ундаб, республика Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган тақдиршумул ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшажакларини алоҳида уқтирди. Партиямиз барча бўғинлари фаолиятини давр талабларига яраша фаоллаштириш шу куннинг муҳим вазифаси эканлигини қайд этди.

Конференцияда Навоий вилояти ҳокимининг муовини Л. Юрикова иштирок этди.

ЎзХДП Навоий вилоят кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда Р. Ботиров вилоят партия кенгаши биринчи котиби этиб қайта сайланди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Замон билан ҳамоҳанглик

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Рақамбозликдан воз кечиб айтиш керакки, хоразмлик асл деҳқонлар шижоати туфайли ҳар йили пахта, шоли, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни давлатга сотиш режалари ҳам бажариб келинаётир. Саноати юксалмоқда.

Воҳа партия ташкилотига бирлашган ўттиз етти минг нафар ХДП аъзолари 12 та шаҳар ва тумандаги 978 та бошланғич партия ташкилотлари сафида ўз ҳалол меҳнатлари билан юрт равнақига салмоқдор ҳисса қўшиб келишмоқда. Ҳисобот даврида партия сафларига 13 мингга яқин кишининг қўшилгани, уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилгани партия фаоллари аҳолининг барча қатламларига чуқур кириб бораётгани натижасидир. Ҳисобот даврида ижроия бюро томонидан қабул қилинган бир юз элликта қарорнинг барчаси долзарблиги, замонга ҳамоҳанглиги билан ўз ижобий самарасини берди.

... Хоразм вилоят партия ташкилотининг II конференциясида маъруза қилган вилоят партия ташкилотининг биринчи котиби, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Ғайрат Машарипов ҳисобот давридаги фаолиятни чуқур таҳлил қиларкан, ҳақли равишда, ютуқларни айтди ва айни пайтда бир қатор камчиликларни ҳам қуйинчаклик билан тилга олди. Жумладан, Урганч шаҳри, тумани, Хонқа ва Қўшкўпир туманларида партия сафларига қабул қилиш яхши, аммо, бошқа қатор ташкилотларда бу масалага жиддий ёндошилмаётгани, айрим ташкилотларда партия ўқувлари мунтазам ўтказилмаслиги, сиёсий тўгараклар фаолиятининг саёзлиги, жамоат ташкилотлари билан алоқанинг узилгани, нодавлат секторида партия таъсирини оширишга эътибор қаратилмагани, турли тадбирларнинг, баъзида, мавсумий бўлиб қолаётгани... аниқ мисоллар билан айтиб ўтилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар жойларда партия ташкилотлари амалга ошираётган ишлар ва айрим камчиликлар ҳақида рўй-рост сўз юритдилар. Партия ташкилоти фаолиятини яхшилаш, сайловлар даврида халқ орасига чуқурроқ кириб бориш учун қилиниши зарур бўлган ишлар юзасидан ўз таклиф-истакларини билдирдилар.

— Икки йил муқаддам корхонамиз банкрот ҳолатига келганди. Эндиликда бирор ташкилотдан қарзимиз йўқ, ойлик маошлар ўз вақтида тўланмоқда, ҳатто ҳиссадорларга дивиденд тарқата бошладик, — деди «Феруз» ҳиссадорлик жамияти раиси Клара Жумамуротова. — Бу кескин ўзгаришларда 115 нафар партия аъзосининг ўрни бор. Бизда ишлаётган ҳар уч хотин-қизнинг бириси партия аъзоларидир. Ҳар бир ташкилотда шундай ишчан, ўзига топширилган вазифани уддалайдиган партия аъзолари бўлса, иқтисодий ислоҳотлар самара бераверади.

Конференцияда партиядан сайланган депутатлар гуруҳи фаолияти тўғрисида ҳисобот тингланиб, улар фаолиятига баҳо берилди.

Сўз олган барча музокарачилар ўз сўзларида сўнгги пайтларда рўй берган нохуш воқеалар — диний экстремизм, қўпорувчилик йўлига кирган муртад кимсалар қилмишлари қораланиб, ёшлар ўртасида кенг қўламдаги мафкуравий ишларни кучайтириш, бунда ҳеч қандай бўшлиқ бўлмаслиги учун фаолиятни янгича изга кўчириш юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

Анжуман кун тартибидаги барча масалаларга оид тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференцияда вилоят ҳокими муовини Б. Раҳимов, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Н. Тоиров сўзга чиқдилар. Анжуман ишида вилоят ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Абдуллаева қатнашди.

Вилоят партия кенгашининг ташкилий пленумида F. Машарипов унинг биринчи котиби этиб сайланди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шунингдек, Наманган туман партия конференцияси бўлиб ўтди.

Унда туман партия кенгаши ва тафтиш комиссияси ҳисобот маърузалари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлар гуруҳи ахбороти муҳокама этилди, партия ташкилотлари фаолиятининг келгусига мўлжалланган устувор йўналишлари белгиланди. Мазкур конференцияда туман партия кенгаши, туман партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг янги таркиблари шакллантирилди, вилоят партия конференциясига делегатлар ҳамда юқори партия органлари таркибига вакиллар сайланди.

Конференцияда Наманган вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ҳ.Убайдуллаев ва Наманган туман ҳокими Р.Исматуллаев қатнашдилар.

Мазкур конференцияда сайланган партия кенгашининг ташкилий пленуми ўтказилди. Унда А.Отахонов туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Ёзувчи учун энг оғир иш нима? Ёзиш эмас, албатта. Кўз тушиб турган манзарага сўз билан соя ташламай, қандай кўриниб турган бўлса, шундайлигича ифодалай олиш қийин иш. Зўрлар сўз билан чизиб беролади, ҳар қандай манзарани. Шундагина уларни зўр ёзувчи деймиз.

Журналист эса тафсилот тарқатувчи. Воқеа содир бўлган жойда мухбир воқеадан олдин ҳозир бўлиши шарт деган гап юради. Ўқ отилди. Ўқ манзилга етмасдан аввал, ўқдан олдин манзилга журналист етиб борибди, десалар ҳам ишонмоқ керак. Журналист, деди-дедига, шов-шувга аниқлик киритади. Янгиликка ўч қулоқларимизга тўппа-тўғри сўзни хоҳ шивирлаб, хоҳ аюҳаннос солиб бўлсин етказадиган ишончли одам ҳам журналист.

Матбуотни кўзгуга менгзайдилар. Ҳақ гап. Демак журналист кўзгу кўтариб юрган одам. Бу кўзгуда нима акс этиши бирор ерга кўзгуни қарата оламизми, қўрқмаймизми, кўзгумиз синиб қолмайдими, деган саволлар олдида довдираб қолмаслигимизга боғлиқ. Агар шундай ўйлар кўнглимизга соя соларкан, нега энди кўзгуни қўлга олдингиз биродар, бошқа юмуш билан шуғуллансангиз, ҳаётингиз яхшироқ (балки тозарроқ) кечармиди, деган таъналы гапга нима деб жавоб берамиз. Шунинг учун ҳам биз — журналистларга қийин. Биров нега кўзгуни қаратмайсан деса, бошқаси нега менга ёпишиб қолдинг, ишимнинг эгрилиги бир сенга кўриниб қолдими, мендан нима истайсан, шу ўринни (лавозим бўлса керак) топширсам қутиламанми, деб жазавага тушади. Яна тўнғиллаб қўяди, журналист халқи ҳам сонга кириб қолади, энди...

Газета ёмон чиқса, ўша ерда ишлаётганлар ё думбул, ё кўрқоқ, ё луттибоз бўлишлари керак. Газета яхши чиқса, одамлар қўлма-қўл қилса, демак у ерда журналистлар ишлайдилар.

Мен ўзимча бир хулосага келганман. Қайси газетанинг қандай чиқиши, мазмун-моҳиятини, йўналишини ўша сонни ўқимасдан ҳам билсак бўлади. Бунинг учун газетадаги сарлавҳаларга эътибор бериш керак. Ўша сарлавҳаларни битта қоғозга кўчириб олсак, бугун бу газета қандай чоп этилганини, умуман, бу газетанинг савияси қандайлиги аён бўлади қўяди.

Адабиётда шеър кўпу, шоир кам деган киноя гап айланади. Матбуот соҳасида ҳам газет кўп, бироқ журналист кам, дейиш ўринли-ёв деган ғалати фикр кечади хаёлдан. Байрам олдидан бу гапни ортга суриб қўяйлик... Мавруди эмас ҳозир.

Бугун туманлар, вилоятлар газеталарида ишлаётган ҳамкасбларимиз, не бир машаққатлар билан газета чиқариб, ўша ҳудуддаги аҳволдан кишилий ғурур, келажак тушунчаларини сингдириш, тафаккуримизни нурга чулғашдай буюк ишни уддалаши керак. Мустақиллик матбуоти эрк йўлидан кетаётган Халқ қалбига кир, кўзига нурдир. Тарбия минбари ҳам.

Шундай экан ўзбек матбуоти зиммасидаги юк барча ҳамкасбларимизнинг энг олий мақсад—келажагимиз равнақи, истиқлолимиз барқарорлиги учун бир жону бир тан бўлиб, меҳнат қилиши эвазига енгиллашади. Истеъдодли ижодкорлар, ҳорижий тилларни пухта билгувчи журналист дўстларимиз, юрагида миллий ғурур аланга олган, ҳар бир сўзида шу аланга тафти сезилиб турган қалам аҳли матбуотимизнинг шаънини юксакларга кўтаради. Байрам арафасида эса ана шундай, биз улардан кўп ва хўп ўрганишимиз керак бўлган қадрдонларимиз Аҳмаджон Мелибоев, Карим Баҳриев, Аҳрор Аҳмад, Қурбон Эшмат, Хуршид Дўстмуҳаммад, Мурод Абдуллаев, Норбобо Шакаров, Зоир Мамажонов, Олимжон Усанов, Рўзивой Қўлдошев, Наврўз Ризаев сингари қаламидан олов тўкилгувчи фидойиларни бохабар қилишга чоғланган, баъзида айрим идоралар қабулхонасидан гоҳ сарғайиб, гоҳ мунғайиб, баъзида эса кўтаринки кайфиятда чиқадиган, сўзга сиғинган умрларни қутламоқ керак. Кейин секингина сўрамоқ керак: «Тақсир қоғоз масаласи қандай? Нимани ёзаяпсиз? Ўқишаяптими?...»

Тараққиёт асрида яшаяпмиз. Бугунги воқеа эртага эскириши мумкин. Бугунни ўзида жо этиб, газетхонни ҳайратга соламан деган нашрнинг чекка қишлоқларга икки-уч кун кечикиб бориши, газета учун ҳам, газетхон учун ҳам яхши гап эмас. Мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий иқлимини ифода этгувчи, бугуннинг воқеалари акс этган йирик нашрларимиз ҳам вилоятларга кечикиб бориши сир эмас. Шунда бир савол туғилади: матбуот даврдан орқада қолмаётган экан, нега энди ўқувчига кечикиб бориши керак. Идорага ҳокимдан олдин, раисдан илгари матбуот, кунлик нашр кириб келиши керак эмасми? Бугун 26 июнь. Ҳоким ишга келди... Эрталаб... Столда газеталар тахлами. Очиб кўради. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози»... ва ҳоказо. Қани энди шуларнинг ичида бугунги, шанба куни чоп этилган бирорта газета чиқса. Ҳаммаси эски. Кечаги. Олдинги кунги газеталар. Матбуот маънавиятнинг қаноти. Ўзбек матбуотининг ўзига хос йўли, тарихи, тажрибаси мавжуд. Шов-шувлар, янгиликлар, хабарлар, воқелик тафсилоти билан биргаликда кишилар онгига Истиқлол моҳияти, миллар Сиз зўрсиз, Сизга ҳавас қиламиз, деб тан беришимиз, қутламоғимиз керак.

Яна ният қилишимиз жоиз: ҳар соҳада гуркираб ўсаётган мамлакатимиз матбуоти янада оммалашиб, ўз мавқеини тағинам юксалтириб боради. Даврнинг тақозоси шу. Дадил ва эркин матбуотсиз жамиятни гуллаб-яшнаяпти, демократик йўлдан дадил одимлаяпти, дея олмаймиз. Бизда матбуот ишига алоҳида эътибор қаратилган. Журналистларимизни фаолликка, шижоатли бўлишга Президентимизнинг ўзлари даъват қилиб турибдилар. Ҳар биримиз у кишининг чорлови биз учун беқиёс имконият эканлигини англаб, ҳар қандай тазйиқлар олдида эсанкираб қолмаслигимиз зарур. Чунки эркин ва дадил ҳаракат қилишимиз учун бизга Юртбошимизнинг ўзлари куч бағишлаяптилар. Керак бўлса, ҳар қандай бюрократларнинг дамини қайтариб, у кишининг ўзи бизга ҳимоячи бўлиб турибдилар. Яъни, шулар истиқболимиз бардавомлигига путур етказадиган хатокамчиликларни фош этсин, тепса-тебранмас айрим тўраларга қақшатгич зарба бериб, халқни тўғри йўлга бошласинлар деган эзгу ўйлар билан биз журналистлар учун барча шарт-шароитларни яратаяптилар. Демак, ўзбек матбуоти миллат ва юрт тақдири учун ёниб қурашувчи енгилмас куч сифатида шаклланаяпти. Бизнинг матбуотимизнинг ўзига хос жиҳати ҳам шунда.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Кўзгу кўтарган одам

ёки журналист, газета, матбуот ҳақида иншо...

Қалб ва қиёфа

Тележурналист Фарҳод Бобожонов билан юзма-юз

— ТВ давримиз кўзгуси. Кишилар руҳиятидаги ўзгаришлар, одамлар кайфияти, юртимиздаги барча жабҳалардаги ўзгаришлар иньикоси дастлаб шунда акс этмоқда. Ушбу тушунчадан келиб чиқсак, тележурналист, телеижодкор зиммасидаги юк янада ойдинлашади. Тажрибали тележурналист сифатида сиздан шу ҳақдаги мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

— Бугун ҳар бир ижодкор учун имконият эшиклари очилди. У хоҳ рассом, хоҳ шоир, хоҳ актёр бўлсин бутун борлиғи билан ишласа, кучини, санъатини, маънавиятимиз тараққиёти учун бахшида этса, кам бўлмайди.

Энди мискин хаёллар, маҳзун ўйлар билан яшаш даври ортда қолди, ўзида бор одам ўзини намоён қила олади. Тақиқлар, тазйиқлар, минг бир чиғириқдан ўтказиб, миллатчисан, дейдиган замоннинг уйига ўт кетди. Халқ озод бўлди. Юрт истиқлолга эришди. Миллий адабиётимиз, санъатимиз йўлида тер тўкиб ишлаш пайти етилди. Бундан бошқа яна нима керак? Авлодлар келажаги, Ватанимизнинг эртаси учун минг бир азоб билан, ичи зардобу заққумга тўлиб қуйилган ва шу йўлда қурбон бўлган боболаримизнинг орзусига айланган нурафшон қонларда яшаяпмиз. Бугунги телевидение, телеижодкорлар, ТВ раҳбариятининг зиммасидаги юкни шу нуқтаи назар билан англамоқ керак. Телевидение шу йўлни, яъни мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида бор имкониятни ишга солиш йўлини танлади. Бу йўл истиқболлидир.

— Демак, ТВда ижодий эркинлик, тазйиқлардан холи юксалиш палласи бошланди...

— Ҳа, халқнинг маънавияти, жамиятимиз танлаган йўлнинг ойдинлигини намоён қилиш билан биргаликда, биз тележурналистлар учун тинимсиз изланиш; ўз устимизда ишлаш палласи ҳозир. Ҳамкасбларимиз экранга чиқишдан олдин миллионлаб кишилар олдидаги масъулиятни ҳис этишмоқда. Телевидениенинг ягона талаби шу. Миллат қаршисида миллатнинг қиёфаси бўлиб майдонга чиқиш осонмас, албатта. ТВ айни дамда жуда кўп жабҳаларни қамраб олаяпти. Жаҳоний андозалар билан жиҳозланган телевидениемиз дунёнинг шу лаҳзасида содир бўлган воқеа-ҳодисадан лаҳзадаёқ воқиф. Тезкорлик, эфир устида ишлаш шаклланди. Тележурналист учун муҳим хислатлардан бири шу аслида.

— Ўзингиз ишлаётган Ёшлар телеканали ҳақида...

— Ёшлар телеканали ижодкори сифатида эмас, бир томошабин сифатида айтишим мумкин, ҳали ушбу канал ижодкорларининг янаям гўзал қирралари очилади. Муҳими, уларда тезкорлик, вазиятни тез ва чуқур фаҳмлаш туйғуси шаклланяпти. Шунингдек, томошабинга маъқул ва манзур йўлни танлашга ҳаракат сезилади. Бу ТВдаги олдинги ҳолатларни таҳлил қилиш имконини беради. Тўғрисини айтганда, ТВнинг бюрократия, сансалорлик, турли хил тўсиқлардан холи чинакам ижодий жараён йўлига ўтганини кўрсатади бу. Мен бундан учтўрт йил олдинги ҳолатни кўз олдимга келтириб айтдим бу гапни. Очиғи, ҳар қандай ижодкор учун аввало шароит, ижодий муҳит, қўллаб-қувватлаш туйғусини ҳис қилиб туриш муҳим. Ижодкорни биргина яхши сўз қаддини тог этади, биргина пичинг ёки киноя қалбини яралайди. Шунинг учун ҳам айтаманки, бугунги ижодий муҳит, шарт-шароит ТВ ижодкорлари учун чексиз имконият. Шу билан бирга телевидениемизнинг тағинам халқ ичига жасорат билан кириб бориши, одамларни ўзига ром этиши, ҳақиқат тугини баланд тутиб, адолат тантанаси учун толмас курашчига айланиши учун ҳозиргидай имконият ҳаводай зарур. Буни англаш керак.

Суҳбатни
Бобомурод РАЙИМОВ,
Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли ёзиб олишди.

«Йилнинг энг яхши журналисти»

Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан «Йилнинг энг яхши журналисти» (1998 йил) танлови якунланди.

Танловда республикамиз вилоятлари, шаҳар ва туманлари газеталари, радио ва телевидениесидан тақдим этилган олтмишдан зиёд ижодий иш намуналари кўриб чиқилди.

Мустақил Ватанимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишларини, кенг қўламдаги янгиланишларни, ватандошларимизнинг онгу шууридаги ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида ёритишда фаоллик кўрсатаётган, ўз ижодлари билан матбуотимизни янада демократлаштиришга ҳисса қўшаётган қуйидаги журналистлар танлов ғолиблари деб топилдилар:

I соврин

Кимё Хўжаева — ЎзТВ «Ахборот» дастури шарҳловчиси

Сафар Остонов — Ҳуқуқий мавзуда шарҳловчи

Исмоил Сулаймонов — «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири

II соврин

Беҳзод Усмонов — ЎзА Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири

Хайрулло Нуриддинов — ЎзТВ «Давр» дастури шарҳловчиси

Юнус Узоқов — «Ўзбекистон овози» газетасининг мухбири

III соврин

Людмила Кучеренко — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

Собиржон Дадахўжаев — «Водил ёгдуси» (Фарғона тумани) газетаси бош муҳаррири

Бекназар Тўйназаров — «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

Рағбатлантирувчи мукофот

Ольга Харченко — «Вечерний Ташкент» газетаси бўлим муҳаррири

Алишер Рисқиев — ЎзА фотомухбири

Асрор Мўминов — «Спорт» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари

Танлов ҳайъати барча ғолибларни қутлайди ва ўз ижодий ишлари билан танловда қатнашган журналистларга миннатдорчилик билдиради.

(ЎзА)

ХАРИТАЛИ КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 28

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 «Мусиқа ва замон».
9.10 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
9.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Оила». Тележурнал.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.25 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.40 Кундузги сеанс: «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
12.05 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин.
12.25 «Санъат ғунчалари».
12.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чемпионлар». Премьера.
13.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
14.10-15.30 ЎзТВ фондидан. «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «ТВ- патруль».
18.20 «Экология ва ҳаёт».
18.40 «Умр мазмуни».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55, 23.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.00 «Алпомиш юртга қайтди».
22.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 59-қисм.
23.15 «Маънавият» дастури.
23.45 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чаққон», Мультфильм)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 Ўзбек мумтоз шеириятидан.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мусиқий лаҳза».
19.35 «Душанбада кўришгунча».
19.55, 20.20, 23.30 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Жаҳон». Халқаро шарх.
20.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Маслаҳат».
21.50 «Янги овоз». Абдулатиф Жоникулов.
22.00 «Ёшлар» телеканали намойиш этади. Нўмиқ Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Буюк ватандошимиз Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллигига. Телеспектакль. 1-қисм.
22.55 «Муносабат».
23.15 Олам футболи.
23.35 Синема. «Авиатор».
01.05 «Шарқ эстрадаси».
01.20 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бумеранг».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Дорихона эшитади...».
22.15 «Бурч ва масъулият».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
12.30 «Товус малика». Бадиий фильм.
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Интернет» худуди.
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Жасур тикувчи». 2-қисм.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси
18.05 Душанба куни Познер билан. «Никобдаги киши» дастури.
18.45 «Ҳаёт сўқмоқлари». Сериал
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Сиз кутган учрашув».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс. «Янги йил совғаси». Бадиий фильм.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 Тунги сеанс: «Сепсиз қиз». Бадиий фильм.
01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА 29

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 59-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.30 «Санъат олами».

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.50 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.20 «Ёш юлдузлар-99».
12.05 Кундузги сеанс: «Мио, болагинам Мио». Бадиий фильм.
13.40 «Талаб ва таклиф».
14.10 «Садоқат».
14.30-15.20 «Маънавият» дастури.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.25 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
18.45 «Аёл дунёни тебратар».
19.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Шеър ва шуур».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда».
21.25 Ю. Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
22.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.20 «Ўзлигинг намоён қил!» Экранда — Бухоро вилояти.
23.55 «Ахборот».
00.25 «Довюрак Хочбар ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
01.55-02.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 59-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Мутолаа».
19.50, 20.20, 23.25 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Марду- майдон».
20.45 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни куйлайман».
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 «Текин томоша».
22.00 «Сидериз» гуруҳи куйлайди.
22.10 «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 2-қисм.
23.05 «Турфа олам».
23.30 Синема. «Миллиардер аёл». 1-қисм.
01.00 «Ёдингдами?» Санобар Раҳмонова.
01.30 «Янги тонг!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ёшлар ҳудуди».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Моҳир».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
12.30 «Диққат, тошбака». Бадиий фильм.
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Жонли сайёра».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Тамтит ва айиқ». 1-қисм.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Мавзу».
18.45 «Ҳаёт сўқмоқлари». Телесериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «ТВ-4»да «Немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Парама». Бадиий фильм.1-2-сериялар.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 30

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Санъатга бахшида умр». Мусиқий дастур.
8.55 «Етгил камолга». Спорт дастури.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 59-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Нигоҳ».
10.25 Абитуриентлар Сизлар учун. Адабиёт.
10.45 «Инсон — ҳаёт гултожи».
11.05 Абитуриентлар Сизлар учун. Кимё.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.25 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.40 «Болалигим осмони». Композиция.
12.05 «Қўшиғим-жон қўшиғим».
12.35 Кундузги сеанс: «Қушларга эргашган инсон». Бадиий фильм.
14.10-14.40 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.35 «Имконият».
18.55 «Жаҳон спорти».
19.05 «Фуқаролик жамияти сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси».
22.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 60-қисм.

«Тунги ҳамроҳ».

23.00 «Ёшлар ва эстрада».
23.30 «Соғинчли салом».
23.55 «Ахборот».
00.25 «Ўрдаккўл воқеаси». Бадиий фильм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Билоғон маслаҳати»).
18.35 «Спектаклдан сўнг».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ракурс».
19.55 «Дил рози». Мусиқий дастур.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.10 Эълонлар.
20.35 «Авторейд».
20.45 «Мусиқий лаҳза».
20.50 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Эркин фикр».
21.55 «Танишинг: Камолиддин Мирсолиев».
22.10 «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 3-қисм.
23.05 Эски альбомдан.
23.15 Синема. «Миллиардер аёл». 2-қисм.
00.45 «Хит коллекция».
01.05 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.15 «Осойишталик фидойилари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Манзарали фильм. «Афсонавий шаҳарда».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хайрли оқшом».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 Мусиқий дақиқалар.
21.55 «Кўзгу». Тележурнал.
22.15 «Оқ йилки». Телефильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 «Бу джаз».
00.10 «Кинонигоҳ»
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
12.40 «Қулойим». Бадиий фильм.
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Спорт-клуб».
17.15 «Маски-шоу».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Тамтит ва айиқ». 2-қисм.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Инсон ва қонун».
18.45 «Ҳаёт сўқмоқлари». Телесериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?»
21.30 «Дил изҳори».
21.45 «Сизнинг адвокатингиз».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Шамолларда қолган ҳисларим». Бадиий фильм. 1-серия.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 Кинематограф: «Шамолларда қолган ҳисларим». Бадиий фильм. 2-серия.
02.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 1

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбекистон бастакорлари».
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 60-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Спортчилар сулоласи».
10.20 Абитуриентлар Сизлар учун. Она тили.
10.45 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
11.20 Абитуриентлар Сизлар учун. Математика.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.45 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.05 «Сеҳрли оҳанглар».
12.25 «Хайр, боғча».
12.40 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
13.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.25-14.00 «Севги сурури». Мусиқий дастур.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.15 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев қуйлайди.
22.20 «Сомон йўли».
22.50 «Қайлиқ ўғирлаш». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 60-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
19.45 «Мезон».
20.00, 20.30, 23.05 Эълонлар
20.05 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.35 «Давр»-интервью.
20.45 «Кўнгил наволари».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Мусиқий лаҳза».
21.40 «Истиқлолни куйлайман».
21.45 «Ёшлар» телеканалида.
21.50 «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 4-қисм.
22.45 «Мусиқий глобус».
23.10 Синема. «Миллиардер аёл». 3-қисм.
00.40 «Спорт-китъаси».
01.10 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сарафроз». Мусиқий дастур.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.00 «Галатепалик авлиё». Қисқа метражли бадиий фильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Сиз кутган учрашув».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Бу ажиб дунё».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Ранг -баранг ҳайвонлар териси».1-қисм.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Йўқотилганларни излаб...». Михаил Яншин. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
18.45 «Ҳаёт сўқмоқлари». Якунловчи серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30. «СНН -шоу».
21.45 « Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Ака-ука Блюзлар». Бадиий фильм.
00.30 «Ахборот» (рус тилида) 00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 2

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Муштарак оҳанглар». Мусиқий дастур.
9.05 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
9.20 «Ишкнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Орият шажараси».
Ўқув кўрсатувлари:
10.25 Абитуриентлар, Сизлар учун. Физика.
10.45 Немис тили.
11.15 Абитуриентлар Сизлар учун. Биология.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.35 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.05 «Шоирлар болаларга». Т. Адашбоев.
12.35 «Орзулар қанотида».
13.00 «Сомон йўли».
13.30 Шарқ тароналари.
13.50-14.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Гуллар юртининг дурдоналари».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Камолот сари».
18.45 «Қалб гавҳари».
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».
21.25 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.05 «Парадизо» кинотеатри». Бадиий фильм. 1-серия.
23.00 «Даврага кел». Дам олиш дастури.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Парадизо» кинотеатри». Бадиий фильм. 2-серия.
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Болалар дам олиш масканларида»)
18.25 «Ёшлар ва маънавият».
18.40 Ҳужаттли кино бисотидан: «Мунаввар қори».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50, 20.15, 23.20 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.20 «Талабалар шаҳарчаси».
20.40 «Саломат бўлинг». 1-кўрсатув.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
21.45 «Азизим».
22.10 Мусиқий лаҳза».
22.15 «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 5-қисм.
23.10 «Автосалтанат»
23.25 Синема.
01.00 Жаҳон эстрадаси.
01.15 «Мунаввар тонг истаб...».

TRV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Кўзгу». Тележурнал
11.35 «Ёшлар ҳудуди».
12.05 «ТВ ва театр».
12.30 «Кинонигоҳ».
14.10 «Жума оқшомида» (такрор)
14.35 «Туризм ҳақида».
15.05-15.15 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 «Кулишни унутманг». Дам олиш дастури.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рақслар жилоси».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Фаровонлик бекати».
22.10 «Катталар учун эртак».
22.20 «Муҳаббат қўшиклари».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 «Тунчироқ».
00.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
00.25 «Кинонигоҳ».
02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «СНН- шоу»
17.15 «Джентельмен-шоу».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Ранг-баранг ҳайвонлар териси». 2-қисм.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
18.10 Клип-антракт
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кининг олтин асри. «Маккени олтини».
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА 3

TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 «Тадбиркорлик:бугун ва эртага».
10.00 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».

«Умид» намойиш этади:

10.15 «Кўзгу».
10.40 «Соғлом авлод учун».
11.00 Қизиқарли учрашувлар.
11.20 «Мен билган, билмаган дунё».
11.40 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
12.15 Кундузги сеанс: «Кўринмас одам». Бадиий фильм.
13.40 «Нотаниш дил суҳбати».
13.55 «Башар алломаси». Кўқон драма театрининг спектакли.
15.40-16.00 «Нафосат». Тележурнал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.15 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
18.30 «Шарқнинг машҳур аёллари».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00, ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.25 «Ҳамма кўриши шарт...эмас». Мусиқий дам олиш дастури.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури.

22.25 Куй ва тасвир.
22.45 «Гул ва тош». Бадиий фильм. 1-серия.
24.00 «Ахборот».
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 59-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Сурур» Мусиқий дастур.
11.00 «Хуш келибсиз».
11.20 «Рей Брэдбери театри».Телесериал.
11.45 «Ўзбек мумтоз шеириятидан».
11.50 «Сир».
12.10 Охунжон Мадалиев куйлайди.
12.30 «Рамаяна». Телесериал.
13.05 «Эски альбомдан».
13.10 «Достоннинг давоми». Манзарали фильм.
13.25 Ёзги таътил. «Олтин калитча». Бадиий фильм.
14.40 «Бегойим».
15.05 «Тарзан». Телесериал.
15.50 «Кинотақдим».
16.10 Синема.
17.40 «Мусиқа теграсида».

***

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», мультфильм).
18.30 «Эски альбомдан».
18.35 «Дилбарим». Андижон вилоятидан тайёрланади.
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 23.05 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес академия».
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Мафтункор чеҳралар.
22.05 «Тўйғу».
22.25 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
22.35 Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.10 Синема. «Бронксдаги воқеа».
00.50 Шарқ тароналари.
01.10 «Хайрли тун!»

TRV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.55 «Мисли гавҳар».
10.15 Болажонлар экрани.
11.40 «Янги ой чиққан кеча».
12.00 «Тасанно».
12.35 «Бева Бланка». Телесериал.
13.20 «Армуғон». Баҳодир Тўлаганов.
13.45 «Бир аёл тарихи».
14.05 «Дўстлик» видеоканали: «Умид», «Чинсэн».
14.50 «Спорт-тайм».
15.15-16.55 «Кинонигоҳ».

*

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.05 «Табиат шифохонаси».
19.20 Дилором наволар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилидла)
20.00 «Ёшлар кўчасида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Даллас». Телесериал.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.20 «Боғимизга марҳамат!». Телефильм.
23.30 «Тунги пойтахт». Информацион дам олиш дастури.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Ака-ука Блюзлар».
11.20-11.35 «Жонли сайёра».
16.30-18.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
Россия жамоат телевидениеси.
18.20 Кумуш серия. Грегори Пек «Миллион фунт стерлингли банк чиптаси комедиясида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
22.15 «6х9». Телеўйин.
22.55 «Дил изҳори».
23.05 Кинематограф. «Аҳмоқ, лекин интизомли». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 4

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
8.50 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Бўстон». Тележурнал.

«Умид» намойиш этади:

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
12.00 «Билим-ринг».
12.45 Кундузги сеанс: «Изтопар». Бадиий фильм.
14.15 «Шоҳруҳ клуби».
14.45 «Мозийдан бир мўъжиза».
15.00 Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат катта опера ва балет театри артистларининг концерти.
15.35-15.55 «Яхшилар ёди». Адабий кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин.
18.20 «Саховат».
18.35 Қишлоқ ҳақида ўйлар.
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.

«Аср мўъжизаси». Кинодастури.

22.20 «ТВ-1 намойиш этади». Телеанонс.
22.35 Кино янгиликлари.
22.50 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.10 «Гул ва тош». Бадиий фильм. 2-серия.
00.30 -00.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам олинг!»
9.40 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.30 «Бизнес -академия».
10.50 «Кўнгил наволари».
11.05 «Инглиз тили сиз учун».
11.30 «Ёшлар» телеканалида.
11.35 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
12.00 «Лаззат».
12.20 Танишинг: Қудрат Ҳакимов
12.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 60-қисм.
13.25 Цирк, цирк, цирк.
13.45 «Рамаяна». Телесериал.
14.20 «Баҳс».
14.50 Ёзги таътил. «Алвон елканлар». Бадиий фильм.
16.15 Хит-коллекция.
16.35 Синема.
17.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.

***

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Уй вазифаси»).
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.35 «Ширин орзулар».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Синфдош».
19.50, 20.30, 23.10 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Дунё ҳафта ичида».
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Чироғи ёниқ уй».
22.00 «Самарқанд оқшоми». Мусиқий дастур.
22.25 «Бари ҳазил».
22.40 Спорт дастури:
1. Спорт ҳафтаномаси,
2. Миллионлар ўйини.
23.15 Синема.
01.00 «Тонг юлдузи!»

TRV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 «Камолот сари».
10.00 Болажонлар экрани.
11.30 М. Низомов, М. Исломқулов «Ноёб нусха». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.20 «Бева Бланка». Телесериал.
14.05 «Спорт оламида».
14.20 Кекса санъаткорлар: Ориф Қосимов.
14.50 «Хориж ҳангомаси».
15.15-16.55 Такрорий фильмлар экрани.

***

17.55 «ТВ -ҳамроҳ».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Умрбоқий мерос».
18.45 «Ер курраси».
19.05 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.00,20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома».
20.05 «Ибрат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «ТВ-ҳамроҳ».
21.30 «Пойтахтимиз жамоли».
21.50 «Даллас». Телесериал.
22.40 «Тунги пойтахт